

ШАРТНОМА №29210
Жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича

2022 йил « 27 » июн

Бешариқ шаҳар.

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Бешариқ тумани мактабгача таълим бўлими** номидан раҳбар **Ш.Бараталиева** (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) биринчи томондан ва ўз Низоми асосида иш юритувчи «**BESHARIQ IDEAL**» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталади) номидан раҳбар **А.Атохонов** иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидаги ишларни бажариш учун туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига асосан: Бешариқ тумани Телов қишлоғида жойлашган 25-сонли МТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини лойиха-смета ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса бажарилган ишларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиб, тўловларни амалга оширади.

2. ШАРТНОМА БАХОСИ.

2.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган таъмирлаш ишлари қиймати лойиха-смета ҳужжатларига асосан барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жами **23,961,296 (ийгирма уч миллион тўққиз юз олти миң бир миң икки юз тўқсон олти)** ҚҚСли сўмни ташкил этади

2.2. Зарурий асослар мавжуд бўлганда «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг келишувига асосан мазкур шартномага қушимча битим расмийлаштирилиши мумкин.

3. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари тулиқ бажарилгандан сўнг, ўзаро солиштирув далолатномаларига асосан, бажарилган ишлари қиймати учун «Буюртмачи» пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Буюртмачи» олдиндан шартнома умумий суммасини **30 %** миқдорида аванс тўловини «Пудратчи» ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Кейинги ҳисоб-китоблар ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмига қараб, аванс маблағларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

4. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

4.1. «Буюртмачи» томонидан олдиндан тулов амалга оширилган кундан бошлаб 5 кун муддат ичида «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари бошланиши шарт. Бажарилиши лозим бўлган ишлар 2022 йил 25 декабрь кунига қадар тўлиқ якунланиши керак.

4.2. «Пудратчи» бажариладиган ишларни амалдаги қурилиш коидалари ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлишини ва сифатли бажарилишини таъминлайди.

4.3. «Пудратчи» ишларнинг бажарилишини техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

5. ТОМОНЛАРНИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. «Пудратчи» мазкур шартномада назарда тутилган таъмирлаш ишларини тулиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда бажариш мажбуриятини олади.

5.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишлари жараёнида бажарилаётган ишларни лойиха-смета ҳужжатларига мослигини ва сифатини назорат қилиб боради.

5.3. «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиб берилади ва бажарилган ишлар бўйича тузилган Шакл-2 далолатномаларини қабул қилиб олади.

5.4. Бажарилган ишларда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, «Буюртмачи» томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва **10** кун муддатда «Пудратчи»га хабар юборилади. «Пудратчи» томонидан ушбу аниқланган камчилик ва нуқсонлар ўз маблағи ва ўз кучи билан **10** кун давомида бартараф этилади.

6. ЖАРИМАЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.

6.1. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

6.2. Агар «Пудратчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган таъмирлаш белгиланган муддатларида бошланмаса ва якунланмаса, «Пудратчи» бажарилмаган ишлар қийматини **0.5%** миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматини **50%** дан ошмаслиги керак.

6.3. «Пудратчи» томонидан таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда якунлангандан кейин «Буюртмачи» томонидан тўловлар ўз муддатида амалга оширилмаса тўланмаган суммани **0.4%** миқдорида ҳар бир муддати ўтган кун учун «Пудратчи»га жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий суммаси ўтказиб берилмаган маблағлар суммасини **50%** дан ошмаслиги керак.

6.4. Жарималар тўланиши «Пудратчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ.

7.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари, уруш, оммавий тартибсизликлар ва бошқа энгиб бўлмас куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

8.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса хўжалик суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

UZ: тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: НС/У5У6256

8.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

8.3. Ушбу шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 25 декабргача. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлим)дан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

9. ТОМОНЛАРНИ ХУКУКИЙ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Пудратчи»

«BESHARIQ IDEAL» МЧЖ

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: Бешариқ шаҳар, Олтин Водий кўчаси

Тел./факс +99897 503-60-88

(х/в ёки шҒХ) 20208000705058860001

«Буюртмачи»

Бешариқ тумани мактабгача таълим бўлими

(буюртмачи номи)

Манзил: Бешариқ тумани Сирдарё кўчаси № 12

Тел./факс __ 61-21-627__

шҒХ* 100022860302157091100251001

Банк номи АТ «Халқбанк» Бешариқ филиали

МФО: 00797 СТИР: 306338285

ИФУТ _____

Ташкилотнинг СТИРи 305153351

ОКОНХ __ 97200 __

Газначилик бўлинмасининг номи:

Бешариқ туман буйича Газначилик бўлинмаси

ЯҒХ 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)

МФО:00014

Газначилик бўлинмасининг СТИРи: 201122919

Раҳбар

(лавозими)

М.Ў.

(имзо)

А.Атохонов

(Ф.И.О.)

раҳбари

(лавозими)

М.Ў.

Ш.Бараталиева

(Ф.И.О.)





O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG‘ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
BESHARIQ TUMAN ADLIYA BO‘LIMI
YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI

150300, Beshariq tumani, Oltin vodiy ko‘chasi, 46-uy
Tel.:(998 73) 612-21-19, el. pochta: beshariq-t-yurmarkaz@adliya.uz

27.06.2022 yil

**Beshariq tuman
maktabgacha ta‘lim bo‘limi**

XULOSA

(maktabgacha ta‘lim bo‘limining
shartnoma loyihasiga)

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Qurilish ta‘mirlash ishlarini bajarish bo‘yicha №29210-sonli shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot: Beshariq tuman maktabgacha ta‘lim bo‘limi tomonidan 2022 yil 27 iyun kuni ishlab chiqilib, shu kuni markazga taqdim qilingan.

4. Loyiha bo‘yicha taklif: Beshariq tuman maktabgacha ta‘lim bo‘limi hamda “BESHARIQ IDEAL” ma‘suliyati cheklangan jamiyati o‘rtasida Qurilish ta‘mirlash ishlarini bajarish bo‘yicha №29210-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi o‘rganib chiqildi.

Shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi “Xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi 670-I-sonli Qonunining 10-moddasi (Xo‘jalik shartnomasiga nisbatan qoyiladigan talablar)ga muvofiq ishlab chiqilgan.

Beshariq tuman maktabgacha ta‘lim bo‘limiga qarashli tuman MTB qarashli 25-soni DMTT binosini joriy ta‘mirlash xizmati (smeta ekspertiza xulosasiga asosan e‘longa joylashtirilgan) O‘zbekiston Respublikasining 2021 yil 22-apreldagi “Davlat xaridlari tugrisida”gi 684-sonli Qonuni hamda O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2018 yil 26 mayda №3016-son bilan ro‘yhatdan o‘tkazilgan “Xarid qilish tartib-taomillarini tashkil etish va o‘tkazish tartibi to‘g‘risida”gi nizom va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 02-iyuldagi PQ-5171-sonli Davlat xaridlari shaffofligini ta‘minlash va samaradorligini oshirishga doir qo‘shimcha chora tadbirlar to‘g‘risidagi qarorini ijrosini ta‘minlash maqsadida Respublika tovar hom-ashyo birjasining **xarid.uz** saytidagi maktabgacha ta‘lim bo‘limining shaxsiy kabineti orqali **106686 lot** raqami bilan 2022 yil 23 iyun kuni e‘lon joylashtirilgan.

Shartnoma loyihasiga Beshariq tuman maktabgacha ta‘lim bo‘limi 2022 yil 23 iyun kuni 2022 yilda ajratilgan mablag‘lardan oqilona va samarali foydalanish

hamda tovarlar, ish, xizmatlarni bajarish maqsadidagi tanlov komissiyasining yig'ilish bayoni, **106686 lot** raqamli e'lon bo'yicha takliflar va bajaruvchining tadbirkorlik guvohnomalari ilova qilingan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA

Beshariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq hisoblanadi.

Beshariq tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti



X.Abdurafiqov